

## **МОМО КУЛЬТИГА ИШОНЧНИ ИФОДА ЭТУВЧИ МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР ГЕНЕЗИСИ**

**Нарзуллаева Дилфуза Саитовна,**  
Бухоро муҳандислик-технология институти  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси  
катта ўқитувчиси (PhD)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада аёл аждодлар руҳининг ҳомийлиги назарда тутилган момо култи тушунчаси, халқнинг “аёл ҳомий руҳ” ҳақидаги мифологик қарашлари, момолар руҳининг аёлларга, уларнинг фаолиятида, шуғулланадиган касб-корларида ҳамшиша ёру мададкор бўлиши ҳақидаги тасаввурлари ёритилган; 40 дан ортиқ Момо руҳларнинг номи, уларнинг характери ва вазифаси таснифланган.*

**Калим сўзлар:** момо култи, “момо” – руҳ, кўзга кўринмас сирли кучлар, аёл ҳомий руҳ, эзгу ёки ёвуз руҳлар, момо руҳлар ва уларнинг вазифаси, халқнинг мифологик қарашлари, “лашкар” Момои Калон – Катта момо, Йўлчи момо, Элчи момо, Хабарбар момо, Хабарбиёр момо, Тўқ момо, Гунг момо, Момои пушти.

### **ABSTRACT**

*The article describes the concept of the cult of momo, which implies the patronage of the spirit of female ancestors, the mythological views of the people about the "female guardian spirit", the ideas of the spirit of momos always being helpful and helpful to women in their activities and professions; More than 40 names of Momo spirits, their character and function are classified.*

**Key words:** momo cult, "momo" - spirit, invisible mysterious forces, female guardian spirit, good or evil spirits, momo spirits and their mission, mythological views of the people, "army" Momo Kalon - Big momo, Road momo, Envoy momo, Khabarbi momo, Khabaribyar momo, Dark momo, Gung momo, Momo pink.

### **КИРИШ**

Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган шундай анъаналаримиз борки, улар халқимиз руҳига чуқур сингиб, ҳатто эътиқод даражасига кўтарилганидан ҳеч бир куч йўқотолмайди. Ана шундай анъаналаримиздан бири момо култига ишончдир. Момо сўзи, одатда, ўғуз лаҳжасида сўзлашадиган аҳоли ўртасида тажрибали, кўпни кўрган ёши улуғ аёлларга нисбатан қўлланади. Невара-чеваралар ота-онасининг оналарига момо деб мурожаат қилишади. Бошқа

шеваларда эса бу сўзнинг ўрнида биби, буви, эна, катта она каби ифодалар ишлатилади.

Халқ орасида момога нисбатан “момо арвоҳдак”, “момо қариб арвоҳ”, “момо мозорларда бўлади” деган қарашлар мавжуд. Кўриняптики, бунда “момо” – рух, *яъни кўзга кўринмас сирли куч* тушунчасида қабул қилинмоқда.

Момо рухлар кўпинча “момолар” ёки “момоҳо” номи билан кўплик тушунчасида юритилади ва уларга нисбатан мифик мавжудот сифатида қаралади. Шунинг учун кўпинча момо деганда, кишиларнинг пуштида, аждодида ўтган аёл рухлар тимсоли назарда тутилади. Халқимиз орасида аждодлар култи тушунчаси кўпинча “момо” ёки “биби” сўзи билан изоҳлаб келиниши кузатилади. Масалан, Биби Сешанба ва Биби Мушкулкушод тимсолида ҳам шу кўзга ташланади<sup>1</sup>.

Хуллас, рухларга ишонч момоларга ишончни келтириб чиқарган. Рухларни пок ва нопок деб ажратиш момоларни ҳам эзгу ва ёвуз деб ажратишга олиб келган. Халқ ҳамиша пок рухлардан – эзгу момолардан мадад кутиб, улар шаънига олқишлар айтиб келган. Бундай анъанавий олқишларда “Арвоҳлар шод, рухлар мададкор бўлсин”, “Арвоҳи биздан рози бўлсин” дея яхши ният қилинади. Шунингдек, кишилар ўртасида “Арвоҳ урсин” деган қарғиш ҳам мавжуд. Бу қарғиш ишончсизлик ва норозилик юз берганда айтилади. Ҳатто баъзи кишилар шундай деб қасам ичади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Умуман айтганда, момо култи тушунчасида, асосан, аёл аждодлар руҳининг ҳомийлиги назарда тутилади.

Халқнинг “аёл ҳомий рух” ҳақидаги мифологик қарашлари момо образининг келиб чиқишига асос бўлган. Халқнинг тасаввурича, момолар руҳи аёлларга, уларнинг фаолиятида, шуғулланадиган касб-корларида ҳамиша ёру мададкор бўлади. Ибтидоий одамлар табиат инжиқликлари билан дуч келганда, улар олдида ўзларини ожиз сезганлар. Шунда улар табиат ҳодисалари эзгу ва ёвуз рухлар томонидан бошқарилади, деб ўйлаганлар. Шу тариқа одамлар ўртасида рухларга ишонч пайдо бўлиб, улар билан боғланишга ҳаракат қилинган. Шомонлар руҳий олам билан реал оламини боғловчилар сифатида қаралган.

<sup>1</sup> Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.

Момо култи ҳақидаги қарашлар исломгача шаклланган диний-мифологик тушунчаларга, култ, момо, манистик мифларга бориб тақалади<sup>2</sup>. Аниқроғи, унинг илдизи руҳларга ишончдан иборат анимистик тасаввурлар билан туташ.

А.О.Сухарева руҳий образларни уч турга бўлади:

- 1) ҳомий кучлар;
- 2) демонлар – ёвуз кучлар;
- 3) одамга ошиқ бўлиб, у билан интим муносабатга киришувчи руҳлар, яъни парилар.

Олиманинг фикрича, ҳомий кучлар одамни “босиб”, уни ҳолсизлантириб қўйса, ёвуз кучлар (демонлар) одамни “уриб” кетади. Бундан одамнинг бирор жойига жиддий шикаст етади. Кўпинча оғзи қийшайиб қолади ёки шол бўлиб ётиб қолади. Парилар эса одамга йўлиқиб, улар билан яқинлик қилади.

Ҳомий руҳлар антропоморф – инсон қиёфасида, ёвуз руҳлар эса турли махлуқлар кўринишида тасаввур қилинган.

Агар одам ўз аждодларига номуносиб иш қилса, нопоклик қилса, аждодлар култи уни жазолайди, деб қаралган. Аждодлар култини ранжитган одамнинг соғлиги ўз-ўзидан ёмонлашиб боради. Ишлари юришмайди. Болаларига зарар етади. Булар халқ тилида “юк тушибди”, “юки тушди” деб юритилади. Бундай одамлар фолбин ёки қушночларга ўз касаллигидан ёки бахтсизлигидан шикоят қилиб мурожаат қилсалар, улар “юкингиз бор экан” деб фол айтадилар. Бунинг аломати сифатида келган “бемор”даги дард – бош оғриғи, юрак сиқилиши, нафас етмаслиги шу фолбину қушночларда пайдо бўлганлиги таъкидланади. Улар гўё уйқуси келган кишидай эснайверадилар ва ҳатто йиғлагандай, зўриққандай ҳолатда кўзларидан ёш чиқиб кетаверади. Хусусан, бунда эснаш “шу дард”нинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Халқ орасида “нопок юрсанг, момолар устингга юкини ташлайди” деган гап шунинг учун айтилади. Бундай пайтда “юки бор одам”га бирор жониворни (қўй, қўчқор, эчки ёки улоқни) қурбонлик қилиб; чалпак, қуймоқ, бўғирсоқ пишириб ис чиқариши, ўтган аждодлари хотирасига дуои фотиҳа ўқитиб юбориши ва шу йўл билан ўз гуноҳидан ўтишни момолардан сўраши маслаҳат берилади. Агар одамлар дунёдан ўтган ўз аждодларини хотирлаб, ису чироқ қилиб турмасалар, уларни турли қийинчиликлар таъқиб қилиши мумкинлиги айтилади.

Ўрта Осиё халқлари орасида момо руҳларнинг номи жуда кўп. Тожик удумшуноси О.Муродовнинг Қори Қулмурод Садриевдан ёзиб олган шомон

<sup>2</sup> Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2009.

муружаати айтимида 22 та момо номлари учрайдики, халқ момо рухларни характери ва вазифасига қараб номлаган<sup>3</sup>.

Халқ наздида **Момои Калон** – **Катта момо** барча момо рухларнинг бошлиғи саналади. Бошқа рухлар унга бўйсунуши айтилади. **Йўлчи момо** ўз аждодларига йўлда ва сафарда ҳомийлик қилувчи момо рухдир. **Элчи момо** ўз элини қўллаб-қувватловчи, тирикларга ёрдам кўрсатувчи момодир. **Хабарбар момо** – хабар элтувчи, **Хабарбиёр момо** эса хабар келтирувчи, юз бериши мумкин бўлган воқеалардан олдиндан огоҳ этувчи рухдир. Одатда, фолбинлик ва бахшилик қилувчилар уни ўзларига ҳомий деб билганлар. Бу момо рухларнинг ҳар тўрталаси ҳам инсонларга эзгулик қилувчи мадакор рухлар саналади.

**Тўқ момо** номига тез-тез ис чиқарилиб, дуои фотиҳа ўқиб турилгани, яъни тириклар томонидан вақтида йўқланиб, “озиқлантириб” борилгани туфайли ўз авлодларидан миннатдор бўлувчи рухдир.

**Гунг момо** – тириклигида гунг, гапира олмайдиган бўлиб яшаб ўтган аёл руҳи. Айтишларича, кўпинча улар шомон аёлларга ҳомийлик кўрсатаркан.

**Момои пушти** ёки **момои мероси** аждод ҳомий рухлардан бири бўлиб, шомонлик қилувчининг марҳум ота-онаси, аждодлари руҳи шу ном билан юритилган. Бу дунёни тарк этган аждодларининг касбидан, бойлигидан фойдаланадиганлар, одатда, шу момо руҳни ҳомий билиб, унга сиғинган.

**Гумчи момо** йўқолган кишиларни ва нарсаларни топиб беришда ёрдам берувчи, излаб топишда йўл кўрсатувчи ҳомий момо тимсолидир. У фолбин шомонлар сиғиниб, мадад сўрайдиган ҳомий кучдир.

Кўриняптики, бу момо рухлар, асосан, бажарадиган вазифасига қараб номланган. Баъзи момо рухлар кўним топган манзил-маконига қараб номлангани кузатилади. Жумладан, **Кул момо** кул орасида, **Гул момо** гуллар, хусусан, қизил атиргул орасида, **Сувчи момо** сув ҳавзаларида кўним топиши айтилади. Бу момо рухлар эҳтиётсизлик қилган одамга зарар етказиши мумкин. Агар одам кул тўкилган жойдан кечкурун ўтса ёки у ердан ҳожати учун фойдаланса, шунингдек, гул тагида ухлаб қолса, момо рухлардан зарар топиши уқтирилади. Аммо Кул момо ва Гул момо ҳаммавақт ҳам инсонга зарар ва озор етказувчи ёвуз, рақиб куч сифатида талқин қилинмайди. Чунки гул ва кулдан ўрни келганда эзгу мақсад йўлида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, лолагул, лолақизғалдоқ, наъматак, атиргул, чучмомо каби бир қатор гуллардан инсон

<sup>3</sup> Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.101-102.

саломатлиги йўлида фойдаланилиши кўпчиликка маълум. Ёхуд кулдан киннани ҳайдашда, кўз оғриғини даволашда фойдаланадилар.

**Учуни момо, Ҳасуд момо, Мечкай момо, Кинна момо, Рўдапо момо** ва **Шалпар момо** кабилар ҳам инсонларга рақиб бўлувчи ёвуз момолар қаторига киради. Учуни момо нопок ва бевақт юрган кишиларга йўлиқса, учинтириб касал қилиши айтилади. У кўпинча ўз аجدодларига муносиб ворис бўлмаганларни жазолаши уқтирилади.

**Ҳасуд ёки Ҳасад момо** ҳам одамлар учун ёвуз, рақиб руҳлардан биридир. У яқин аждодларининг хасислиги ва бепарволиги оқибатида унутилиб, оч қолдирилгани учун хавфли руҳга айланган бўлади. Кўпинча улар қурбонлик талаб қилувчи оч арвоҳлар сифатида кезиб юриши айтилади. Жумладан, **Мечкай момо** ҳам Ҳасад момо каби оч, еб тўймас ёвуз руҳлардан биридир. Бу ёвуз руҳ, одатда, одамларнинг тушида намоён бўлиб, ўзи учун қурбонлик беришга ундар экан. Агар туш кўрган киши вақтида унга атаб қурбонлик маросимини ўтказмаса, касалликка чалиниши, ё бирор бахтсизликка йўлиқиши мумкинлиги билдирилади.

**Кинна момо** руҳи одамларнинг қорин бўшлиғига жойлашиб олиб, кучли оғриқ ҳосил қилиши, нигоҳи ўткир одамларга ўрнашиб, шу орқали атрофдагиларга зарар етказиши айтилади.

**Рўдапо момо** жуда озғин ва касал аёл қиёфасида зарар етказувчи руҳ сифатида тасаввур қилинади. У, асосан, соғлом ва тўлақонли одамларга зарар етказишга уриниши таъкидланади.

**Шалпар момо** одамга ёмон таъсир кўрсатиб, уни кучсизлантирувчи, шалпайтириб, ожизлантириб қўювчи руҳ сифатида тасаввур қилинади.

Момо руҳлар номи ранглар билан ҳам боғланган. Бунда момо руҳларга бағишланган маросимларда ёқиладиган чироқ – нукчалардан чиққан олов ва унинг тутуни ранги эътиборга олинган. Яъни олов ва тутуннинг оқ, қора, қизил, сариқ тусга киришига қараб момо руҳлар миқдори, характер-хусусияти, номи белгиланган.

**Кўк момо, Қора момо** ва **Сариқ момо** ёвуз руҳлар қаторига киради. Улар кўпроқ одамларни касал қилиб, озор етказишга уриниши айтилади. **Сариқиз** ёки **Сариқ момо** сариқ сочли қиз ёки сариқ тусли товуқ кўринишида аёлларга ҳужум қилиши айтилади.

**Оқ момо** эса инсонга ҳомий эзгу руҳлардан бири саналади. У жуда раҳмдил ва меҳр-шафқатли, саховатпеша сифатида талқин қилинади.

О.А.Сухарева тадқиқотларида яна **Хунхор момо** (кон сўрувчи), **Шалойим момо** (енгилтак, тутқич бермас), **Кашмири момо** (сеҳр-жоду қилишга алоқадор афсунларни ўргатувчи), **Аламон момо** (оломон, яъни кўпчилик бўлиб юришувчи момолар), **момо-пари** каби момо образларининг номлари учрайди<sup>4</sup>. Лекин **Аламон момо** аёлларга озор, дард етказувчи, одамга кутилмаганда ташланиб қоладиган махлуқ кўринишидаги ёвуз рухлардан бири сифатида ҳам талқин қилинади.

**Шалойим момо** кўпинча чақалоқларга озор етказувчи, уларни нобуд қилишга интилувчи ёвуз куч сифатида талқин этилади.

**Хунхор момо** эса жонзотларнинг, айниқса, инсонларнинг қонини сўриб ичувчи момо сифатида кўрсатилади. Хунхор момо учун кўпинча улоқ, қўй товук кабилардан қон чиқарилиб, у зарар етказган бемор даволанади. Акс ҳолда Хунхор момо беморнинг қонини сўриб, уни ҳолсизлантириши, ҳалок этиши мумкинлиги айтилади.

Л.Худойқулованинг “Ўзбек фольклорида Момолар култи” мақоласида Сарик момо, Қора момодан ташқари яна **Титти момо**, **Очил момо**, **Гулсун момо**, **Ёзил момо** ва **Тувгич момо** номлари тилга олинади. Муаллифнинг маълумот келтиришича, шу етти момо образи халқ орасида ҳомиладор аёлларнинг асотирий ҳомийси сифатида тасаввур қилинади<sup>5</sup>.

Мақолада Сурхон воҳаси аҳолиси ўртасида ҳомиладор аёлни эсон-омон туғдириб олиш учун Тувгич момо пирига сиғиниб, қушноч момо томонидан махсус маросим ташкил қилиниши ва ўтказилиши, унда ижро этиладиган ритуал айтим тўғрисида қимматли маълумот келтирилган.

Ўзбек халқ аллаларида Уйқу момо образи ҳам учрайди:

Алла, алласи келсин,  
Ётса, уйқуси келсин.  
Узоқ-узоқ жойлардан  
**Уйқумомоси** келсин.

Халқ тасавурида Уйқумомо – уйқу илоҳаси. У ҳаммага уйқу улашади. Шунинг учун ёш болаларни ухлатиш жараёнида куйланадиган қўшиқлар – аллаларда Уйқумомо образига мурожаат учрайди.

Қалдирғоч номи билан боғлиқ афсона ва афсунларда **Гўзал момо** номи учрайди. У кўз оғриғининг олдини олувчи, унга шифо бахш этувчи ҳомий момо

<sup>4</sup> Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 15-17.

<sup>5</sup> Худойқулова Л. Ўзбек фольклорида момолар култи. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007. – 4-сон. – Б.50-53.

тимсолидир. Ўтмишда кўз оғриғининг келиб чиқиши ва тарқалиши сабабларини билмаган кишилар бу касалликка азиз авлиёларнинг таъсири ёхуд ёмон руҳларнинг таъсири бор деб қараганлар<sup>6</sup>.

Маълумки, мусулмонлар орасида қалдирғоч инсонни илонга емиш бўлишдан сақлаб қолган қуш сифатида муқаддаслаштирилади<sup>7</sup>. Шунинг учун халқимиз ҳам унга ҳомий сифатида қарайди. Айниқса, одамлар кўз оғриғига гирифтор бўлмаслик учун эрта баҳорда қалдирғоч учиб келаркан, унга қарата: “Қалдирғоч, эсон-омон келдингми, бола-чақанг омонми? Гўзал момонинг кўзи яхши бўладими?” – дея афсун айтади.

Афсоналарда айтилишича, қалдирғоч борадиган юртда Гўзал момо деган бир кампир бўлар эмиш. Ана шу кампир қалдирғочга қарата “Мени сўраганлар, худоё, кўз оғриғига учрамасин” дер эмиш. Шу сабабли кишилар кўз оғриғига учрамайлик деб, эндигина учиб келган қалдирғочларга юқоридаги афсунни айтарканлар<sup>8</sup>.

Халқ қурғоқчиликда ёмғир сўраб, Гулдур момо ҳамда Шалдир момога мурожаат қилган:

Қуриганмиш гул ҳовуз  
Балиқлардан бирор из.  
*Гулдур момо*, келсанг-чи,  
Ташналаб бўлдик ожиз.  
Истардим экмак тарик,  
Рангларим бўлди сарик.  
*Шалдир момо*, келсанг-чи,  
Савобдир емак балиқ<sup>9</sup>.

Ушбу қўшиқда Гулдур момо – момоқалдирак, Шалдир момо – ёмғир тангриси сифатида тилга олинаётир. Маълумки, ёмғир чақириш маросимларида Суст хотин, Чала хотин номларига ҳам мурожаат қилинади. Бу маросим юртимизнинг турли гўшаларида турлича кўринишларда, ҳатто турлича номлар билан ўтказилган. Таниқли ўзбек фольклоршуноси Б.Саримсоқов ўзбек ёмғир чақириш маросими ҳақида маълумот берар экан, аввало, унинг тарихан қадимийлигини, турли жойларда турлича аталишини билдириб, бу маросим

<sup>6</sup> Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Т.: Истиклол, 2006. – Б.40-41.

<sup>7</sup> Насириддин Бурхониддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т., 1990. – Б.42-44.

<sup>8</sup> Мирзаева С. Ўша манба. – Б.40-41.

<sup>9</sup> Petersen Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore.- Toshkent: Qatortol-Kamolot, 2000. – Б.142. (Мерилин Петерсен 1996-2000 йилларда Тинчлик корпусининг кўнгиллиси сифатида Бухорода бўлиб, маҳаллий халқнинг урф-одат ва анъаналари билан қизиқиб, талай фольклор материалларини йиққан ва уларни инглиз тилига ўнгирган ҳолда чоп эттирган).

Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олот туманларида «Чала хотин» деб, туркманларда «Сюйт хатын», тожикларда эса «Суст момо» ёки «Ашаглен» деб юритилишини айтиб ўтади<sup>10</sup>.

Б.Саримсоқов ёмғир чақириниш маросимининг тўрт вариантыни аниқлаган бўлса, М.Жўраев унинг олти вариантыни аниқлаб изоҳлаган<sup>11</sup>. Уларнинг муштарак жиҳати шундаки, ҳамма жойларда бу маросим аёл (момо) тангрига муурожаат асосида ўтказилади.

М.Жўраев яна ўзбекларнинг шамол култи билан боғлиқ мифологик тасаввурларининг матриархат даври эътиқодий қарашларига алоқадор алоҳида туркуми **Яли момо** ёки **Ялала момо** ҳақидаги инончлар тизимини ташкил этишини кўрсатиб ўтади<sup>12</sup>.

Демак, ҳозирликча момо руҳларнинг 40дан ортиқ номлари аниқландики, бу ўз навбатида, момо руҳларга ҳамда Момо култига ишонч Ўрта Осиё халқлари орасида бир мунча кенг ва муайян яхлит тизим кўринишида тарқалганини билдиради.

Шуниси ҳам борки, халқ орасида болани эркалаш учун айтиладиган қуйидаги қўшиқда ҳомий момоларнинг етмишдан ортиқлиги таъкидланган:

Дарди балонг доғ урсин,  
Тегирмонинг буғ урсин.  
*Етмиш момонг* орқангдан  
Буғдой олиб югурсин.

Момо руҳларнинг номи, сони бу даражада кўп ва ранг-баранг бўлганлиги учун, одатда, уларни умумлаштириб “*лашкар*” деб аташ халқ орасида ва шомонлик қилувчилар ўртасида ўзига хос анъанага айланган<sup>13</sup>.

## **ХУЛОСА**

Момо култига дахлдор маросимлар асосида қадимги аждодларимизнинг анимистик тасаввур-тушунчалари, эзгу ёки ёвуз руҳлар билан боғлиқ ишончлари ётади. Момолар ҳақидаги қарашлар исломгача шаклланган диний-мифологик тушунчалар силсиласига кириши сабабли улар таъсирида халқ орасида бир неча анъанавий диний-ибодат ритуллари шаклланган.

<sup>10</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – Б.65.

<sup>11</sup> Жўраев М. Ёмғир ёғдириш маросимлари // Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008. – Б.160-185.

<sup>12</sup> Жўраев М. Ўша манба.. – Б.160-205.

<sup>13</sup> Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.101.